

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/3 ✪ 2018



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ

Сиддиқов З.Х., Эгамбердиев А.Н. Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида математика ўқитишда математик модель қуришнинг баъзи масалалари	297
Соипова М.К. Глобаллашув жараёнида ёшларнинг ахлоқий тарбияси	300
Тажибаев С.С. Ўсмир боксчиларнинг креатинфосфат иш қобилияти индекси кўрсаткичларининг қиссий таҳлили	302
Таирова М.Б. Бошланғич таълимда арифметик ҳисоблаш воситаларининг такомиллаштириш тарихидан	305
Тўлаганова Г.О. Тарбияси оғир ёшлар онгига бадий адабиётлар орқали таъсир кўрсатиш	308
Умаров С.Р. Бағрикенглик – миллий муносабатларнинг асосий таянчи	311
Умурзаков У.К. Проблемы популяризации спорта в не объединённые молодежной среде	314
Usinapova U. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy tasavvurlarini rivojlantirish pedagogik muammo sifatida ..	316
Фарафонтон О.А., Козлова Е.В., Сушко Г.К. Образовательный цикл по физическому воспитанию студентов с содержанием педагогической валеологии	319
Холдарова Ф.Т. Халқаро музокаралар ва уларнинг намоён бўлиш шакллари	322
Холмирзаев Х.Д. Ўзбек халқи этногенези ва этномаданиятининг диалектик муаммолари	326
Hasanova G.N. O'zbekiston va Yaponiya kasb-hunar ta'limi tizimlarining o'ziga xos xususiyatlari.....	330
Шодмонов Ш.А. Таълим тизимидаги муаммолар ва ўзгаришларнинг аҳамияти	333
Эронов С.Қ. Шарқ ва Ғарб фалсафаси тараққиётида Ибн Рушд таълимотининг ўрни	336
Эшанкулова Д.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти.....	338
Eshchanova X., Eshchanova M. Principals of using fairy tales in the language classroom with young learners in the kindergarten.....	341
Юлдашев Ф.Б., Абдуразақов Ф.А. Ёшларни инновацион лойиҳаларга жалб қилишда сиёсий партиялар фаолиятининг қиссий таҳлили	344
Юлдашева М.К. Ахборот асрида умуминсоний қадриятларни асраш муаммоси.....	347
Филология	
Абдукадинова Г. Сезги феъллари лексик семантик гуруҳларини лингвокогнитив аспектда ўрганиш (Ўзбек ва инглиз тиллари манбалари асосида)	351
Абдуллаева Д.З. Жанр басни и произведение басенного типа: их генезис и функциональные особенности	354
Абдуллаева Д. Типы фразеологизмов с точки зрения семантической спаянности и фразеологической связанности.....	357
Абдуллаева Р.Ю. Ўзбек ва инглиз тилида “характер” тушунчасининг ифодаланиши	360
Abdullayeva S. Frazeologik iboralarning tarjima-dagi xususiyatlari	364
Абдуллаева С.Н. Русская орфография как объект научного познания и кодификации в период до реформы 1918 года	367
Адилова Н. Использование аутентичных текстов на уроках иностранного языка	371
Атаев Ш.А. Чет тили машғулотида талабаларнинг ёзув малакаларини ривожлантириш	374
Атаева Т.К. Талабаларга чет тилларини ўқитишда лексик материални тушунтиришнинг аҳамияти	377
Атаназарова Ш.М. “Ўзбек тилида лексик-семантик муносабатлар” модулини ўқитишда инновацион таълим технологияларининг ўрни	379
Begizova M. Thematic grouping of english idioms and effective techniques for their acquisition.....	381
Боллиева М. Балладада сюжет тасвири	384
Болтабоева У. Сўзлашув жараёнида нутқий воситаларнинг ўрни.....	388
Валиева Ҳ.С. Ҳозирги замон чет тили ўқитиш методикасида замонавий таълим усуллари	392
Давлатова А.Р. Абдулла Орипов ижодий концепциясида миллий маънавият масаласи.....	395
Daliev M.N. Nominative – communicative approach to teaching word-formation.....	399
Джафарова Д.И. Француз ва Ўзбек тилларида тил белгисининг мотивлашганлиги	401
Досбаева Н.Т. Гаржима назариясида “лакуна” тушунчасининг ўрни ва аҳамияти ҳақида.....	404
Жоникулова Г. Использование визуальной наглядности для развития языковых навыков	408
Zakirova Kh.A. Effective teaching methods and strategies to improve proficiency of esp students.....	411
Ибрагимова Р.З. Лингвокультурная компетенция и компетентность: отражение терминов в методических словарях	413
Ibragimova R.Z. Good practice in assessing learners' writing.....	415
Имянинова Ш.С., Хожиматов Д.Р. Немис тилининг орфографик қоидаларидаги ўзгаришлар масаласига доир	418
Kambarova M.M. Productively using architecture and civil engineering (ace) vocabulary in practical english lessons	421
Матенова Ю.У. Автобиографический характер романа Амели Нотомб «Страх и трепет»	424
Мўминова Д.А. Хорижий тилга ўқитишда тил ва маданият уйғунлиги масаласи	427
Muratova D. The importance of teaching idioms to english language learners.....	430
Narmonov A.X. Badiiy adabiyotda qo'llanuvchi ba'zi she'riy san'atlar izohi	432
Омонов Р. Ўзбекистон халқ демократик партияси расмий веб-сайти www.xdp.uz фаолияти таҳлили	435
Отақулов Н.Б. Мезуратив ва микдор категорияси орасидаги мантикий ва лисоний муносабатлар	449

ХАЛҚАРО МУЗОКАРАЛАР ВА УЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

Холдарова Ф.Т. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада халқаро музокараларнинг концептуал мазмун-моҳияти, уларнинг намоён бўлиш шакллари сиёсий фанлар нуқтаи-назардан таҳлил қилинган. Шунингдек, халқаро музокараларнинг шахс омили билан боғлиқ жиҳатлари илмий-амалий далиллар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: ўзаро мулоқот, эмоционал интеллект, сиёсий музокаралар, коммуникатив таваккал, контакт ўрнатиш, сиёсий музокараларнинг самарадорлиги.

Халқаро музокаралар масаласи бугунги кун дипломатлари, сиёсатчилари ва бизнес вакиллари томонидан фаол қўлланиладиган ҳамда кўпгина олимлар ва маслаҳатчи-амалиётчилар учун таҳлил предмети бўлган, халқаро ўзаро ҳаракатнинг ўзига хос ҳодисаси ва халқаро муаммоларни ҳал қилиш воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Бунинг асосий сабаблари қуйидаги омиллар билан чамбарчас боғлиқ: Биринчидан, йигирма биринчи асрга келиб халқаро ҳаётдаги турли сиёсий-иктисодий ва ижтимоий масалалар бўйича халқаро музокаралар миқдори ортиши бўлса, иккинчидан халқаро музокаралар хусусиятлари ва турларининг сифат жиҳатдан мураккаблашиб бораётганлиги ва халқаро муаммоларнинг байналминлашуви, учинчидан эса халқаро музокаралар ривождаги буткул янги босқич ва музокараларнинг халқаро муносабатлар тизимидаги ўзаро ҳаракатларнинг барча соҳалари ва жиҳатларига сингиб бораётганлиги билан характерланмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, халқаро музокаралар олиб бориш заруратини юзага келиши биринчидан, “совуқ уруш” тугаганидан сўнг халқаро майдондаги кучлар нисбатининг ўзгариши, янги давлатлар вужудга келиши ҳисобига халқаро музокаралар иштирокчиларининг, иккинчи томондан, музокараларнинг ноанъанавий субъектлари сонининг ортиши, шунингдек халқаро сиёсат вакиллариининг халқаро ҳаётнинг гуманитар муаммолардан бошлаб халқаро муносабатларнинг кредит-молия жиҳатларига қадар бўлган масалаларнинг янада кенг доирасига жалб қилиниши билан боғлиқдир. Айни шу маънода, бугунги кун талаблари нуқтаи-назардан, халқаро музокараларни тадқиқ қилишнинг илмий аппаратини ишлаб чиқиш сиёсий фанлар нуқтаи-назардан ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки юқорида санаб ўтилган омиллар халқаро майдондаги музокаралар олиб бориш жараёнининг илмий ва амалий асосларини назарий умумлаштириш ҳамда ишлаб чиқишни янада ривожлантириш заруратини юзага келтирмоқда.

Халқаро муносабатлар бўйича россиялик тадқиқотчи В.А. Кременюк таъкидлаб ўтганидек “бугунги дунёда халқаро майдондаги ҳар бир музокара вазияти музокаралар янада кенг тизимининг бир қисмидир ҳамда ушбу тизим билан аниқ ёки мавҳум тарзида ўзаро ҳаракат қилади. Халқаро музокаралар ўртасидаги ички алоқалар музокаралар оламидаги янги ҳодисага айланди”[1]. Халқаро музокараларнинг асосий иштирокчилари - давлатларнинг музокаралардаги ўзаро ҳаракати хусусияти ва усуларидаги ўзгаришлар

В.А. Кременюкни бу борада махсус тадқиқот олиб боришига сабаб бўлган, бу эса ўз навбатида ўз қоидалари ва тартиблари билан ажралиб турувчи “халқаро музокаралар”нинг ривожланиб бораётган тизими вужудга келаётганлиги борасидаги ҳулосага келишга имкон берди[2]. Шу нуқтаи-назардан қараганда, халқаро майдонда халқаро музокараларнинг ва иштирокчилар фаолиятининг қисман музокаралар мақсадлари, стратегияси в натижаларини белгилаш, халқаро муаммоларни ҳал қилишдаги ва умуман халқаро муносабатлар тизимига таъсир ўтказиш турларидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур мақоланинг илмий аҳамияти энг аввало илмий ўрганиш учун халқаро музокараларни турларга ажратишнинг муҳимлиги, халқаро майдонда иштирокчилар фаолиятининг устивор йўналиши сифатидаги халқаро музокаралар турларини ишлаб чиқиш ва асослаш зарурати, шунингдек, турли халқаро муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усули сифатидаги халқаро муносабатлар тизимидаги музокаралар ролини назарий таҳлилдан ўтказиш қимматга эга эканлиги билан белгиланади.

Музокаралар иштирокчиси ўзида муносабат билдириш тезлиги ва санъаткор ҳиссиётлилигини бирлаштириши лозим. Шунинг учун ҳам ўз даврида Лионель Белланже турли музокараларда бевосита ўзлари иштирок этган амалиётчи сиёсатчилар ва дипломатлар сиёсий музокаралар назарияси ривожланишига муҳим ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Г.Никольсон, В.Л.Исраэлян, А.Ковалевнинг асарларида эса халқаро музокаралар амалиётида вужудга келадиган муайян сиёсий можаролар ва вазиятлар таҳлил қилинган, делегация раҳбарларининг шахсий ўзига хосликлари, музокаралар тарзларининг айрим миллий ўзига хосликлари таъкидланган[3]. Шубҳасиз, ҳар қандай фанда “бевосита қузатиш” тамойили ва вазиятни таҳлил қилиш илмий тадқиқотнинг муҳим қисмидир. Аммо аксарият сиёсий музокаралар амалиётида яқин вақтларга қадар савдолашиш усули, бўлганда ҳам унинг қарама қарши энг кескин кўриниши ҳукмрон бўлиб келган. Шу боис сиёсий музокаралар олиб боришнинг асосан шу усули сиёсатчилар ва дипломатларнинг асарларида барча ижобий ва салбий жиҳатлари билан тасвирланган.

Халқаро музокаралар турларини улардаги сиёсий жиҳатларини ўрганиш “тартибни қарор топтириш ва бошқа ҳаётий муҳим мақсадларни амалга ошириш учун жамият да мавжуд бўлган ҳокимият ва нуфузни ўз ичига олган жамиятдаги ҳодисалар, институтлар, сиёсий шакллар ва

* Холдарова Ф.Т. – ЎзР Президенти ҳузуридаги ДБА мустақил изланувчиси.

муносабатларга дахлдор барча нарсани"[4] ажратиб олган ҳолда таҳлилдан ўтказишга эътиборни жамлашга имкон беради. Бизнинг назаримизда масалага бундай ёндашув ҳокимият ва ҳокимият муносабатлари, сиёсий ҳукмронлик, бошқарув механизмлари, қарорлар қабул қилиш ва ҳукумат вазифаларини амалга ошириш, меъёрлар, ҳуқуқ, мафкура, маданият ва коммуникация билан боғлиқ ҳолда халқаро музокаралар турларини таҳлил қилишга кенг имкон беради. Бунинг учун эса халқаро музокаралар энг аввало давлатлараро музокараларнинг асосий иштирокчилари сифатидаги давлатларнинг сиёсий-дипломатик ўзаро ҳаракатлари доираларини тадқиқ қилиш керак бўлади. Айни вақтда ижтимоий ўзаро ҳаракат ва муаммоларни ҳал қилиш усули сифатидаги халқаро музокаралар соф сиёсий-дипломатик соҳа доирасидан ташқарига чиққанлиги ва ўз ичига экологик, маданий, тадбиркорлик, ижтимоий-иқтисодий жиҳатларни қамраб олгани боис халқаро музокаралар таҳлиliga ялпи ёндошувни қўллаган ҳолда мазкур музокараларнинг тузилмаси ва функционал ўзига хосликларидаги ягона қонуниятларни тадқиқ қилиш мақсадида музокараларнинг умумий тавсифларини кўриб чиқиш заруратини ҳам юзага келтирмоқда.

Халқаро музокаралар бу халқаро муносабатлар тизими субъектларини ҳам бирлаштирадиган, ҳам ажратадиган муаммо ёки муҳокама мавзуси бўлиб буни ҳал қилиш учун уларнинг биргаликдаги ўрганиш талаб этилади. Зеро, сиёсий музокара иштирокчилари манфаатларидаги у ёки бу зиддиятларни акс эттиради ва музокаралар кун тартибда ўз ифодасини топади, масалан, тинчликни таъминлаш кучларининг роли ва жойлашуви, қурооллар ҳажми ва уларни қисқартириш муддатлари, кредитлар бериш шартлари, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича стандартлар жорий қилиш, ҳом ашё конларини ўзлаштириш, қўшма корхоналар яратиш, ҳудудий даъволар, савдо шароитлари ва бошқалар ана шундай манфаатлардан ҳисобланади.

Халқаро музокараларнинг фарқли хусусиятлари музокараларнинг тизимли, ташкилий ва индивидуал жиҳатлари, хусусан, халқаро вазиятнинг ўзига хосликлари, иштирокчиларнинг афзал кўрувчи жиҳатлари ва заҳиралари нисбати, идрок этишдаги талқин қилишдаги ўзига хосликлар, миллий маданиятдаги ва индивидуал хатти-ҳаракатдаги фарқлар билан изоҳланади. 2016 йили апрел ойида ўтган музокаралардан сўнг Россия президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов билан бўлиб ўтган музокаралардан кўнгли тўлганини айтган эди. Айни шу музокаралар Россия ва Ўзбекистон муносабатларидаги янги босқични бошлаб берди. Шунинг учун ҳам Владимир Путин ОАВ вакилларига "Бугунги музокаралар конструктив, мазмунли руҳда ўтди. Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларини муҳокама қилдик, шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳаларда истикболдаги аниқ

режаларни белгилаб олдик"[5], дея баёнот берган эди.

2017 йил апрел ойида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокараларни давом эттирдилар. Булардан маълум бўладики, олий даражадаги музокараларнинг мунтазамлик касб этгани давлатлараро муносабатларни юксак даражага олиб чиқмоқда. Айни шу музокаралар сабаб икки давлат ўртасида савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм, меҳнат мигрантларига муносиб шароитлар яратиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича кўпгина ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистон ва Россия халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келаётган ҳамкорлар ҳисобланади. Чунки икки мамлакатнинг ташқи сиёсат, ташқи савдо, муҳофаа маҳкамалари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар изчиллик билан мунтазам равишда амалга оширилиб келинмоқда. Шунингдек улар БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда[6].

Нафақат мамлакатимиз раҳбарияти балки турли давлатлар ўртасидаги музокаралардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бундай музокараларга нисбатан мавжуд ёндошувларнинг турли туманлиги, биринчидан, турли тарихий даврларда халқаро майдондаги ҳар хил музокара вазиятларнинг объектив хилма-хиллиги ва кўпинча таққослаб бўлмаслиги, иккинчидан, ўрганилаётган ҳодисанинг у ёки бу жиҳатига бўлган тадқиқотчилик қизиқиши ва урғу берилиши билан изоҳланади[7]. Мезонларнинг бундай турли-туманлиги халқаро музокараларни турларга ажратишдаги зарурий аломатларга нисбатан мавҳумликни вужудга келтиради. Шунинг билан бир каторда барча халқаро музокаралар уларнинг функционал аҳамиятини, ўзаро ҳаракат хусусиятларини, иштирокчиларнинг мақсадли ва қадриятли интилишларини белгиловчи марказий омил (аниқловчилар) таъсирига тортилади. Музокара мақсади ана шундай омилдир.

Иштирокчи нуктаи назаридан эса музокара мақсади халқаро музокараларнинг турли кўринишларига тегишли мавжуд ички хоссаларини акс эттирувчи, музокараларнинг вазифалари ва иштирокчиларнинг ёндошувларини белгиловчи мақсадлар, заҳиралар ва хатти-ҳаракат стратегиясининг функциясидир. Чунки айни шу мақсад музокарачиларнинг мақсадли йўналиши ва ўзаро ҳаракати хусусиятини акс эттирган ҳолда халқаро музокараларни турларга ажратишнинг самарали асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Музокараларнинг халқаро жиҳати халқаро субъектлар фаолияти тури сифатидаги халқаро музокараларнинг ўзига хослиги ва чекланишларини келтириб чиқаради, шунингдек, халқаро муаммоларни ҳал қилиш ва халқаро тизим субъектлари ўртасидаги муносабатларни сақлаб туриш усули сифатидаги халқаро музокаралардан

фойдаланишнинг ўзига хосликларини белгилаб беради. Шунингдек, музокаранинг бу шаклида ўз миллий манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга мойиллик мавжуд бўлади. Бироқ барча иштирокчилар ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қиладиган бўлса томонлар энг яхши натижага эриша олмайди ва барча учун субоптималь бўлган яқунга келади. Ушбу қонуниятга халқаро музокараларда бирлашув манбаи бўлиб хизмат қилади. Давлатларнинг устивор йўналишлари ва ҳаётий эҳтиёжларидаги фарқлар музокаралардаги фарқланишларнинг манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Ҳам умуман, ҳам кўриб чиқиладиган масала бўйича ҳокимият ва тобеъликлар, кучлар ва захиралар нисбати халқаро музокараларнинг муҳим омилдир. Мавжуд захиралар, музокарада таъсир ўтказиш воситаларининг ҳамда музокаралардан кутиладиган натижаларнинг мос келмаслиги муаммоларни куч ишлатиш воситасида хал қилиш учун шароит вужудга келтиради, бунинг имкони бўлмаганда эса ўз аҳволига нисбатан қоникмаслик ёки ишлардаги мавжуд ҳолатга мослашув билан бирга кечувчи манфаатларнинг вақтинча чекланишига олиб боради. Шунингдек, халқаро музокаралар таҳлили учун турларга ажратиш тартиботидан фойдаланиш халқаро майдондаги музокара вазиятларининг турли кўринишларини таҳлилий ва асосли баҳолашга, уларнинг турғун ва ҳаракатчан жиҳатларини ҳисобга олувчи халқаро музокаралар турлари моделини яратишга имкон берувчи танланган усулнинг самарадорлигини тасдиқламоқда.

Халқаро музокаралар тизимини халқаро музокаралар тузилмаси билан биргаликдаги ўзаро ҳаракатда кўриб чиқиш муносабатларнинг уч эҳтимолий турини кўрсатиб берди, булар: 1) халқаро музокараларнинг уларга таъсир кўрсатиш муҳитидаги аниқ имкониятлари ва чекланишлари билан алоқаси; 2) халқаро муносабатлар муҳитига музокаралар эҳтимолий оқибатларининг таъсири – музокараларнинг муҳитга таъсири; 3) халқаро музокараларнинг халқаро иштирокчиларнинг идрок этиш хусусиятларига таъсири – музокаралар ва муҳитнинг бир-бирига ўзаро таъсиридир.

Халқаро муҳитнинг халқаро музокараларга таъсирининг асосий йўналишларидан бири геостратегик омил ҳаракатларида, мустақилликни ва халқаро нуфузни сақлаб туриш эҳтиёжларида намоён бўлади.

Халқаро музокараларнинг халқаро муносабатлар тузилмасига таъсири ҳам ошқорашаклида – уюшмалар тузиш, биргаликда форумлар ўтказиш, ҳам яширин кўринишда – махфий ёки пинхона дипломатия ва манфаатларни биргалашиб илгари суриш орқали намоён бўлади. Шунинг билан бир қаторда, халқаро муҳит ва музокараларнинг ўзаро таъсири муҳитнинг юмшоқ омилларида, шу жумладан иштирокчиларнинг идрок этишидаги ўзига хосликлар, ижтимоий фикр ва оммавий ахборот воситаларида ўз ифодасини топади[8]. Булардан сўнг эса халқаро музокараларни турларга бўлиш таҳлили натижаларини амалий қўллаш

мақсадларида тадқиқотнинг куйидаги йўналишлари: музокара вазиятларини статистик таҳлил қилиш, музокаралар муваффақияти омилларини таҳлил қилиш, шунингдек, халқаро музокараларни олиб бориш бўйича ижтимоий-психологик ва ташкилий тренингини ташкил қилиш истиқболли бўлиб кўринмоқда, халқаро майдондаги музокаралар вазиятининг турли туманлиги ва мураккаб аралаш-қуралашлигида бир мунча аниқроқ йўл топиб олишга имкон беради.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, халқаро музокаралар тизими иштирокчиларнинг миллий-давлат фарқланишлари таъсири ва халқаро муносабатлар тизими амал қилишининг ўзига хосликларини акс эттирувчи тадқиқотнинг мустақил объектидир.

Халқаро музокаралар тизимига таъсир кўрсатувчи асосий хусусиятлар орасида: халқаро тизимда миллий-давлатчилик мустақилликларининг кўплиги; геостратегик манфаатларнинг ҳар томонга йўналганлиги; халқаро ва миллий ҳуқуқий бошқарувнинг кўп босқичли тизими; мустақил миллий институтларга (шу жумладан армия, валюта ва мустақил ҳудудда бошқарувга) ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигига (шу жумладан иктисодий, сиёсий, гуманитар ва ҳ.к.) эга бўлган иштирокчи давлатлар мустақиллиги унсурлари бирикмаси; ташки сиёсий қарорларни қабул қилишда мавҳумлик ва масъуллиқнинг юксак даражаси; ташки сиёсий қарорлар оқибатларининг заифлиги ва хусусан, оммавий қирғин қуролларини қўллаш таҳдиди; катта маданий фарқларни (шу жумладан турли тиллар, меъёрлар, анъаналар, қадриятлар) ажратиш ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам француз файласуфи Г.Лебоннинг турли мамлакатларга қилган давомли саёҳатлардан олган энг ёрқин таасуроти орқали “ҳар бир халқ унинг гавдасидаги ўзига хосликларга ўхшаш барқарор қалб тузилишига эга ва унинг ҳиссиётлари, фикрлари, яратган нарсалари, эътиқоди ва санъати шу қалбдан келиб чиқиши” борасида ёзган эди. Ҳар бир тамаддун кишилари уларнинг ижтимоий мавқеидаги фарқларга қарамасдан, аждодлардан мерос бўлиб қолган феъл-атворидаги умумий жиҳатларга эга. Бу нуқтан назардан ҳам халқлар ва маданиятлар тақдирини тириклар эмас кўп жиҳатдан тамаддун асосини яратган ўтиб кетган аждодлар бошқаради.

Маълумки, чуқур маданий-тарихий илдизларга эга бўлган индивидуализм ғарбдаги онгнинг тамал тошидир. Ғарб тамаддуни инсоннинг барча жиҳатлари мезони бўлган Уйғониш даври, Ислохотлар, Маърифатчиликни бошидан кечирди. Айнан инсон, унинг онги ва оқиллиги бу ерда улкан қадрият ҳисобланади. Фақат инсон томонидан яратилган нарсаларгина қадрга эга. Ғарбда доимо моддий тараққиёт, жамиятнинг ўсиб бораётган жамият фаровонлиги учун шахсий масъулият тамойили доимо муҳим бўлиб келган.

Хуллас, халқаро музокаралар самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш ва иштирокчилар – халқаро муносабатларнинг ўзаро боғлиқ ва яхлит тизими субъектлари

манфаатларини ўзаро кондириш учун халқаро музокараларнинг турли қирраларини ўрганишни | давом эттириш муҳим бўлиб кўринмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Кременюк В.А. Проблемы переговоров в отношениях двух держав// США: экономика, политика, идеология. 1991. № 3. – С. 43.
2. Кременюк В.А. Проблемы переговоров в отношениях двух держав// США: экономика, политика, идеология. 1991. № 3. – С. 43.
3. Nicolson, Harold George, Diplomacy. Washington DC, Institute for the Study of Diplomacy, Georgetown University, 1988. –Р. 138.; Исраэлян В.Л., Лебедева М.М. Переговоры - искусство для всех//Международная жизнь. 1991. № 11. С. 48-55. Ковалев А.Г. Азбука дипломатии. 6-е изд. - М.: Интерпракс, 1993. – С. 240.
4. Гаджиев К.С. Политическая наука. М.: “Международные отношения”, 1994. – С. 94.
5. <http://sputniknews-uz.com/world/20160426/2629229.html>
6. <http://www.uza.uz/z/politics/ozbekiston-rossiya>.
7. Василенко, И. А. Международные переговоры : учебник для магистров / И. А. Василенко. -2-е изд., перераб. и доп. -М. : Издательство Юрайт, 2015. – С. 486
8. Василенко, И.А. Искусство международных переговоров в бизнесе и политике : учебное пособие / И.А. Василенко. – Издание 2-е, дополненное. – Москва : Научная книга, 2009. – С. 302.

РЕЗЮМЕ

В этой статье анализируется концептуальная сущность международных переговоров и их формы проявления с политической точки зрения. В статье также рассмотрены научно-практические аргументы связанные с фактором личности международных переговоров.

Ключевые слова: взаимодействие, эмоциональный интеллект, политические переговоры, коммуникативный риск, установление контакта, продуктивность политических переговоров.

RESUME

This paper analyzes the conceptual nature of international negotiations and their way of development from a political point of view. There also have been studied scientific and practical arguments related to a personal factor of international negotiations.

Key words: intercommunication, emotional intelligence, political negotiations, communicative risk, establishing contact, productivity of political negotiations.